

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГАПЛАРДА СЕМАНТИК ВА СИНТАКТИК МУНОСАБАТЛАР

Умарова Обида Авазхоновна
ЎзМУ ўқитувчиси.
Email: obidakhon89umarova@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақола содда гаплар ва уларнинг турли хусусиятлари асосида ҳар хил таснифланадиган бош бўлакларнинг составига кўра бир составли гаплар ва икки составли гаплар ҳамда иккинчи даражали бўлакларининг иштирок этиш – иштирок этмаслигига қараб, йиғиқ ва ёйиқ гаплар, зарур бўлакларнинг бўлиш – бўлмаслигига қараб, тўлиқ ва тўлиқсиз гапларга асосланган.

Калит сўзлар: семантика, стилистика, субъект, шахссиз гап, йиғиқ ва ёйиқ гаплар.

Гапнинг семантик ва синтактик структураси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик дастлаб гапнинг субъектив (эга) – предикатив алоқаларида акс этади ва у субъектнинг мавжудлида ҳамда унинг грамматик хусусиятларининг ташкил топишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Субъектнинг типидан маълум даражада кесимнинг грамматик формаси тобе бўлади. Субъектлар ва жараённинг семантик турлари.

Фикр, воқеа-ҳодисаларни ва ситуацияларни турли кўринишда тасвирлаш мумкин. Жараённинг икки тури фарқланади: а) шахссиз гапда, табиат ҳодисалари, атрофдаги физик ҳатти-харакатлар ҳақида гап кетаётганда субъект умуман иштирок этмайди. Бу жараённинг ўзига хос синтактик модели бир составли эгасиз шахссиз феълли гаплардир (V.imp; II gèle). б) ноаниқ олмошли феълли гап, унда жараён бир неча субъектлар билан боғланади, субъект бу вазиятда сўзловчи учун номаълум ёки улар шахсни аташни зарур деб ҳисобламайди. Бу процесснинг синтактик ўзига хос модели бир составли эгасиз, ноаниқ олмошли феълли гап формасида (V.ind.; On sonne).

Эгаси мавжуд бўлган икки составли гаплар шахсли гаплардир. Эгаси мавжуд бўлмаган гаплар эса шахссиз гаплардир. Шахси маълум, ноаниқ олмошли шахси номаълум ва шахссиз гапларнинг ўзбек ва француз тилида қўлланилиши бир хил эмас. Шахсли гаплар ва шахси номаълум гаплар француз тилида ўзбек ва рус тилларига нисбатан кўпроқ қўлланади. Шахссиз гаплар эса француз тилига қараганда ўзбек ва рус тилларида кўпроқ қўлланилади. Шахссиз гаплар бир составли гапнинг эгасини топиш мумикн бўлмаган туридир. Бунда эганинг йўқлиги бир составли шахси аниқ гаплардаги эгасиз қўлланишдан, шунингдек, тўлиқсиз гаплардаги эгасиз қўлланишдан, бу эгани турли йўллар билан аниқлаш ҳодисаларидан бошқачадир: шахссиз гапда умуман эга бўлмайди, яъни фараз қилинмайди. Шахссиз гапларнинг кесими: 1) учинчи шахсни кўрсатувчи мажхул нисбат формасидаги феъллар билан ифодаланади: тартиб сақлансин. Бундай гапларнинг кесими турил майл формаларида бўлади: буйруқ майли формасида, шарт майли формасида. (Бугун келтирилса, илтимос), аниқлик майли формасида (Хозир техникадан кенг фойдаланилади).

Ўзбек тилида бу холат шахсни номаълум гаплар деб юритилади. Бундай гапларда ҳам эга қўлланилмаган бўлади. Бу типдаги гапларнинг кесими III ш. Формасидаги аниқ феъллардан бўлади. Лекин шунга қарамай, бажарувчи шахс – кесимдан англашилагн ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлса ҳам, у конкрет шахсни англатмайди. Шахси номаълум

гапнинг кесими: 1) учинчи шахснинг кўплик формасидаги феъл бўлади: Хақ гап шу: яхшини мақтайдилар, ёмонни уялтирадилар. 2) Кўплик маъносини билдирадиган биргалик нисбат формасидаги феъл билан ифодаланади. (кўпинча жонли тилда). Мисоллар: Ўлимдан кўрқмаганни мард дейдилар... – Унинг отасини Хошим хўрош дейишади. У институтга кирдими? – Ха қабул қилишди. 3) Баъзан учинчи шахснинг бирлик формасидаги феъл билан ифодаланади: “Гултоҳихўroz қизамиққа даво бўлади”, - дейди (дейишади).

Хозир пахтани машина билан теради. Шахси номаълум гапларда бажарувчи шахс эмас, балки ишнинг ўзи биринчи ўринда туради, асосий диққат шунга қаратилаги бўлади. Шунинг учун сўзловчи шу фактни констатация қилиш билан кифояланади: бажарувчи унга кенг маънода бўлган ҳолларда ҳам уни эътиборсиз қолдиради ёки бажарувчи умуман номаълум бўлади. Фикримизни француз адилари асаларидан олинган мисол орқали давом эттирамиз: Французча: *On était heureux, ici, comme au bout du monde. On n'attendait plus rien, on n'avait plus besoin de personne* (Les Clezio “Lullaby” P., 1980., p.89) Ле Клезионинг “Мондо” “Люлаби” асалари француз тилидан ўзбек тилига тўғри таржима қилинган. Юқоридаги мисолнинг ўзбекча таржимасини солиширамиз: Қизгина дунёнинг нариги чеккасига бориб қолгандек ўзини баҳтиёр хис қиласади. Хеч кимни кутмайсан, хеч кимни сенга кераги йўқ. (Ле Клезио Люлаби, Т. 2000 й. 72 бет.) Бу гапда таржимон контекст мазмунидан келиб чиқиб, “он” ноаниқ олмошли феъл учинчи шахснинг бирлиги формаси билан ифодаланган. Бу бир составли гап таржимада фдекватликка эришган.

Французча: “*On m'a emmené comme un esclave à Rome. Mais aujourd'hui cette ville est belle, et je veux qu'elle soit plus belle encore... On y enseignera la philosophie, la science des arts, la science des chiffres...*” (Les Clezio “La roue d'eau” P., 1980. p. 169).

Ўзбекча таржимаси: Мени қул қилиб Римга олиб кетдилар. Бироқ бугун бу шахар нақадар чиройли. Бу шахарда фалсафа, астрономия, риёзиёт ишлари ўргатиладиган бўлади... (Ле Клезио “Чархпалак” Т., 2000 й., 139 - бет).

Асл матн ва ўзбекча таржимадан кўриниб турибдики, составли гапларнинг субъектсиз (эгасиз) шахси номаълум феълнинг семантик ва синтактик хусусияти тўла очиб берилган, ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган. Субъектли жараён ҳам ўз навбатида икки турга бўлинади: а) ўтимсизлик жараёни, яъни субъектнинг ҳаракетистикаси унинг холати ёки ҳаракати ўзида мужассам бўлади. Бу процесснинг типик формаси ўтимсиз феълли икки составли гаплардир (S+VI). Масалан:

француз тилида: *La jene femme souriait gentiment. “Bien sur, voyons! Viens!” L'ascenseur bougeait un peu sous les pieds comme un bateau.* (Les Clezio “Mondo” P., 1980. p. 36)

Ўзбек тилидаги таржимаси: “Сенга нима керак? Сиз билан лифтга кирсам майлими?” Аёл ёқимли жилмайдиу “Бўлмасамчи юрақол!” Лифт денгиздаги қайиқ мисол бироз лопиллаб, ҳаракатга келди. (Ле Клезио “Мондо” Т., 2000 й., 19 - бет). б) Фаол жараён, унда субъект томондан амалга оширилган ҳаракат обьектга ўтади.

Бу жараённинг модели ўтимли феъл ва воситасиз тўлдирувчили икки составли гаплар (S+Vt+O);

Француз тилида: *Lullaby jetait les feuilles de papier dans le vent.* (Les Clezio “Lullaby” P., 1980., p.105).

Ўзбек тилидаги таржимаси: Люлаби қоғоз варақларни шамолга улоқтира бошлади. (Мондо Люлаби, Т. 2000 й.) Асл матнда ва таржимада ҳам субъектли муносабат тўла акс этган.

Синтаксиснинг асоси гап ҳақидаги таълимот бўлиб, синтаксисда сўзларни бириктириб гап қуриш қоидалари, унинг структураси, функцияси, қўлланилиши, гапларнинг ўзаро муносабати каби масалалар текширилади, бунда ҳодисанинг мундарижаси – мазмуни ҳам (ниманинг ифодаланиши) формаси ҳам (қандай йўл билан ифодаланиши кўзда тутилади). Структурал синтаксис назариясига кўра феъл гап тузилишининг маркази энг кулминацияси ҳисобланади, бошқа сўз туркumlари у билан муносабатга киришади. Синтактик бирликлар бир неча компонентли бўлиб, улар орасидаги синтактик алоқа икки хил: предикатив алоқа (гап ҳосил бўлади) ва предикатив бўлмаган алоқа (сўз бирикмаси ҳосил қиласди). Синтактик алоқаларни ифодаловчи воситалар: сўз формалари, ёрдамчи сўзлар, сўзлар, сўз тартиби ва интонациядир. Сўз бирикмасининг, содда ва компонентларининг орасидаги боғланиш – бундаги ҳоким ва тобе сўзларнинг боғланиш формалари, тобеланиш уч хил: мослашув, бошқарув ва битишув. Буларни белгилаш ва фарқлаш компонентлар ва улар орасидаги алоқанинг семантик – грамматик, формал хусусиятларига асосланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир гапнинг реал борлиқ ҳақида бирор фикр, хабар баён қилиши гап мундарижасининг воқелик билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳодиса – гап мундарижасининг реал воқелик билан алоқадорлик ҳодисаси предикация саналади. Фикрнинг ахборот етказиши аспектига кўра гапни икки қисмга ажратиш мумкин: тема, ҳамсuxбатга маълум ахборотни ташувчи, рема эса гапдаги фикрни етказувчи янги ахборот. Тема ва реманинг муносабати гапнинг коммуникатив структурасини ҳосил қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955
2. Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик – синтактик асиметрия. Т., 1980. № 3
3. Andrievskaya A.A. Syntaxe du français moderne. М., 1978
4. Соссюр Ф.де Труды по языкоznанию. М., 1977
5. Ги де Мопассан Жизнь / Пер. А. Чеботарский. – Собр.соч.: В 12 т. М., 1958. Т.2
6. H. de Balzac Le père Goriot. М., 1956
7. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory And Its Reflection In French Phraseology." *Journal of Positive School Psychology* (2022): 2883-2889.
8. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of "Historical Memory" Within French and Uzbek Phraseology." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
9. Ilhomovna, D. D., Ostonovich, B. O., & Yakubov, J. A. (2024). Archaic Phraseological Units as Windows into "Historical Memory" in French and Uzbek Linguistic Traditions. *American Journal of Public Diplomacy and International Studies* (2993-2157), 2(1), 163-169.

10. Ilkhomovna, Jafarova Dildora. "THE CONCEPT OF HISTORICAL MEMORY AND THEORETICAL THOUGHTS OF SCIENTISTS." *Archive of Conferences*. 2022.
11. Ilhomovna, D. D. (2023). Phraseological Units Expressing "Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(11), 490-492.
12. Яхшибоева, Нодира. "ТАРЖИМА ЖАРАЁНИДА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ." *Академические исследования в современной науке* 2.17 (2023): 165-169.
13. ЯХШИБОЕВА, Нодира. "ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕКЛАМЫ И ТУРИСТИЧЕСКОЙ РЕЧИ В ТЕКСТАХ." *News of UzMU journal* 1.1.4 (2024): 380-384.
14. Яхшибоева, Н. (2023). ТУРИСТИЧЕСКИЙ ДИСКУРС КАК ОДИН ИЗ ОСОБЫХ ВИДОВ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО ДИСКУРСА. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(6), 879-884.
15. ЯХШИБОЕВА, Н. (2023). THE ROLE OF TOURISM TERMINOLOGY IN FRENCH. *O 'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI*, 2023, [1/4].